

Исми ва нисбаси: Абул -Хасан Али ибн Хамза ибн Абдуллох ибн Усмон ал--Кўфий ал--Кисоий. Асли кўфалик бўлиб, кейинчалик Багдодга кўчиб ўтган. Унинг бобоси Усмон Бану Асаднинг озод қилган кули Бахмон ибн Ферузнинг авлодидан бўлган.

Бу зотнинг Кисоий дейилиши сабаби хақида турли фикрлар бор. Жумладан, уни кисо қ кийимда эҳром боғлагани учун Кисоий деб аташган; у ёшлигида кийим--кечак савдоси билан шугулланган; қора танлилар яшайдиган Кисоия деган қишлоқдан бўлган; у Хамзанинг дарсига кисо қ кийимга ўраниб қелар эди. Хамза «Қимнинг навбати қелди?» деганда, шериклари «Қисо қ кийиб олган боланинг навбати» дейишарди. Қохида Хамза «Мана бу фикрни кисо қ кийган болага ҳам тушунтириб қўйинглар», дер эди. Ахвозий мана шу охириги фикрни тўғрироқ деб айтган.

Таваллуд ва вафоти: Али ибн Хамза Кисоий 120/738 йили Қўфада таваллуд топган ва 189/805 санада Райнинг Ранбавайх деган ноҳиясида 70 ёшда вафот этган.

Маноқиблари: Имом Кисоий раҳматуллоҳи алайҳи етти машҳур қорининг биридир. Ўз қамонида қироат соҳасида барқанинг имоми ва энг қилимдони бўлган. Имом Хамзадан кейин Қўфада Қуръон ўқитишда биринчи рақамли устоз бўлган. У ўта қийрак, фаросатли, фазилатли қиши эди. Кисоий наҳв ва лугат илмида ҳам ўз даврининг етук намояндаларидан эди. Одамлар унинг қироатини тинглаб, шу асосда мушхалфарига ҳаракат ва нуқталарни қўйиб олишарди.

Абу Бакр Анбарий айтади: «Қисоийда бир нечта ҳислат жам бўлган: у наҳв (грамматика)нинг қилимдони, ноёб лугатларни қилишда беназир, Қуръон борасида яқто эди. Одамлар унинг ҳузурига қатнар, у эса уларни тўплаб, қурсига ўтирган қолда Қуръонни аввалидан охиригача тиловат қилиб берар, одамлар ундан Қуръон ўқитиш, қироатдаги тўхташ ва бошлаш ўринларини аниқлаб, ўзларига қайд қилиб олардилар». Имом Жазарийнинг ўз санади билан нақл қилишича, Халаф ибн Хишом шундай деган: «Шаъбон ойи қелганда Қисоийга бир минбар қўйиларди. У одамларга ҳар қуни қирим субуъ (тақрибан 2 қора) ўқиб бериб, Шаъбон ичида иккита хатм қилиб берарди. Мен минбарнинг тагида ўтирардим».

Имом Нофеънинг қатта шогирдларидан бири, Қисоийнинг устози Исмоил ибн Жаъфар Маданий: «Аллоҳнинг қитобини Қисоийдан яқшироқ ўқийдиган қишини қўрмаганман», деган эди.

«Тарожум ал-қурро» қитобида айтилишича, Надр шундай деган: «Қисоий Қуръон ўқиса ёқи гапирса, худди оғзида фаришта гапираётгандек бўлар эди».

Яҳё ибн Маъин: «Ушбу икки қўзим билан Қисоийнинг лаҳжасидан тўғрироқ лаҳжани қўрмадим», деган.

Имом Шофеъий: «Қим наҳвда қуқур қилимга эга бўлмоқчи бўлса, Қисоийга муҳтождир», дер эди.

Ибн Мужоҳид айтади: «Қисоий Хамза ва бошқаларнинг қироатларидан ҳамда ўтган имомлардан ўрганилган таълимотлардан ташқарига қикмайдиган мўътадил қироатни қайлаган. У қироат илмида ўз асрининг пешволаридан эди».

Абу Убайд «Ал--Қироат» қитобида айтади: «Қисоий қироатларни ихтиёр қилар эди. У Хамзанинг қироатидан бир қисмини олиб, баъзисини тарқ қилган. У етук қироат муҳассиси бўлиб, бу унинг соҳаси, машғулоту эди. У бу соҳани ўзидан қўра муҳтақамроқ эгаллаган ва қўпроқ шугулланган қиши билан бирга ўтирмаган».

Ибн Қасир ўзининг тарих қитобида шундай ёзади: «Қисоий наҳвнинг нозик қихатларини

Халилдан ўрганган. Бир куни у: «Бу илми кимдан ўргангансан?», деб сўради. Халил унга: «Хижоз бадавий (кўчманчи)ларидан» деб жавоб берди. Шундан сўнг Кисоий ўша жойларга бориб, бадавий араблардан жуда кўп нарса ёзиб олди. Кейин Халилнинг олдига кайтиб келган эди, у вафот этиб, ўрнига Юнус бош бўлиб колган экан. Ўрталарида бўлиб ўтган илмий мунозаралардан сўнг Юнус Кисоийнинг устунлигини тан олиб, уни ўз ўрнига сайлади».

Хусайн ибн Муҳаммаддан, у Райдаги Абул Косим Исмоил ибн Ибод ибн Аббосдан, у Абдуллох ибн Муҳаммад Ижидан, у Муҳаммад ибн Хасан Аздийдан, у Абу Хотам Сахл ибн Муҳаммад Сижистонийдан ривоят қилиб айтади: «Бизга кўфалик бир ҳоким ташриф буюрди. Басрадаги ҳокимлар ичида ундан илмирок кишини кўрмаганман. Салом бериб, унинг ҳузурига кирдим. У мендан: «Эй Сижистоний, Басранинг уламолари кимлар?» деб сўради. Мен: «Зиёдий ичимизда Асмаъийнинг илмини энг яхши эгаллаган киши, Мозиний нахвда энг етук олимимиз, Хилол энг кучли факихимиз, Шозкуний ҳадис соҳасида энг ўткир билимдонимиз, камина Куръон илмига муносиброкман, Ибн Калбий шарт ва низомларни энг яхши ёзадиганимиздир», дедим. У котибига: «Эртага хаммаларини тўплаб, ҳузуримга келтир!» деди. Эртасига тўплангач, бизга: «Мозиний ким?» деди. Абу Усмон: «Мен шу ердаман», деди. У: «Зихорнинг каффоратида гилай кулни озод қилса бўладими?» деб сўради. Мозиний: «Мен факих эмас, лугатшуносман» деди. У: «Эй Зиёдий, махрининг 1/3 эвазига ўрталарига талок тушган эр-хотин ўртаси қандай ажрим қилинади?» деб сўради. Зиёдий: «Бу менинг соҳам эмас, Хилолнинг соҳаси», деди. У: «Эй Хилол, Ибн Авн Хасандан қанча санад келтирган?», деб сўради. Хилол: «Бу менинг соҳам эмас, Шозкунийнинг соҳаси», деди. У: «Эй Шозкуний, ким «яснуъний судуроҳум» (асли «яснуъна...») деб ўқиган?», деди. Шозкуний: «Бу менинг соҳам эмас, бу Абу Хотамнинг соҳаси», деди. У: «Эй Абу Хотам, Амирул -мўмининга Басра аҳолисидаги тангчилик, уларга етган кургокчиликни тавсифлаб, халифанинг улардан хабар олиб, эътибор беришини сўраб қандай хат ёзасан?» деб сўради. Абу Хотам: «Мен балогат ва китобат мутахассиси эмасман, мен Куръон кишисиман», деди. Шунда у: «Эллик йил илм олиб, биттагина фанни ўрганган, бошқа соҳадан сўралса, жавоб бера олмай тўхтаб колган киши нақадар ёмон! Аммо агар бизнинг Кўфадаги олимимиз Кисоийдан буларнинг барчаси сўралганда, албатта, жавоб берган бўларди», деди».

Имом Заҳабий «Маърифату ал-курро ал-кибор» китобида Салама ибн Осимдан ривоят қилади: «Кисоий шундай хикоя қилди: «Хорун ар-Рашид билан намоз ўқидим. Кироатимга ўзим қойил қолдим. Кейин ёш бола ҳам хато қилмайдиган жойда хато қилдим.

«Лаъаллахум йаржиъун» демокчи бўлиб, «Лаъаллахум йаржиъун» деб юбордим. Аллоҳга қасамки, Хорун менга «Хато қилдинг», дейишга журъат қила олмади. Лекин салом бергач: «Бу қайси кироат?» деди. Мен: «Эй мўминлар амири, учкур от ҳам гоҳида қоқилиб туради», дедим. У: «Мана шу тўғри», деди».

Машхур нахшунос олим Фарро: «Кисоий билан мунозара қилиб, уни ютиб қўйдим ва ўзимни гўё денгиз узра учиб юрган кушдек хис қилдим», деган эди.

Хатиб Бағдодий «Тарихи Бағдод» китобида шундай ёзади: «Абу Убайд Аҳмад ибн Сахл Тамимий айтади: «Кисоийнинг шундай деганини эшитдим: «Одамларга Куръон ўқиб берганимдан сўнг тушимда Расулуллох соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. У Зот: «Сен Кисоиймисан?» дедилар. Мен: «Ҳа, ё Расулуллох!» дедим. У Зот: «Али ибн Хамзамисан?» дедилар. Мен: «Ҳа, ё Расулаллох», дедим. У Зот: «Умматимга кеча Куръон ўқитган сенмисан?» дедилар. Мен: «Ҳа, ё Расулаллох», дедим. У Зот: «Менга ҳам ўқиб бер», дедилар. Тилимга «Вас--софват» сурасигина қолди, мен

сир-асрорларини ўрганган. Фузайл ибн Шозон айтади: «Кисоий кироатни Хамзадан ўтказгач, сахрога чикиб, бадавийлар билан бирга яшай бошлади. Сўнг юртига лугат билимдони бўлиб кайтиб келди».

Кироатдаги санади: Кисоий кироатни асосан Хамзадан олган. Шунингдек, Ибн Абу Лайлодан ҳамда Ийсо ибн Умар Хамадонийдан ҳам кироат илмидан таълим олган. Улар оркали Убай ибн Каъб, Али, Ибн Масъуд розияллоху анхумнинг кироатларини накл килган. Мазкур саҳобалар ушбу кироатни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан ўрганганлар.

Санаднинг тафсилоти куйидагича:

Кисоийнинг Хамза воситасидаги санади куйидагича:

Хамзанинг устозлари Аъмаш ва Талха Куръонни Яхё ибн Вассобдан ўрганганлар. Яхё эса Алкама ибн Кайс, Асвад ибн Язид, Зирр ибн Хубайш, Зайд ибн Вахб ва Масрук ибн Аждаъларга ўкиб берган.

Хамзанинг яна бир устози Хумрон ибн Аъян эса Абу Асвад Дайламий, Убайд ибн Нузайл ва Мухаммад Бокирга ўкиб берган. Убайд ибн Нузайл ҳам Алкамага ўкиб берган.

Хамзанинг бошқа бир устози Абу Исхок эса Абдурахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш ва Осим ибн Замра, Хорис ибн Абдуллох Хамадонийларга ўкиб берган.

Шу тарика Хамзанинг кироати тобеинларга етиб келади. Мазкур тобеинлардан:

Алкама ибн Кайс, Асвад ибн Язид, Зайд ибн Вахб, Масрук, Абу Асвад, Осим ва Хорислар Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхуга ўкиб берган;

Абу Асвад Усмон розияллоху анхуга ҳам ўкиб берган;

Абдурахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш, Осим ва Хорислар Алий розияллоху анхуга ҳам ўкиб беришган;

Хамза яна Мухаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Лайло ва Жаъфар Содиклардан ҳам киротни ўрганган.

Кисоийнинг Ибн Абу Лайлодан санади куйидагича:

Мухаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Лайло Минхол ибн Амрга, Минхол Саъид ибн Жубайрга, у Ибн Аббос розияллоху анхумога, Ибн Аббос Убай ибн Каъб розияллоху анхуга ўкиб берган.

Кисоийнинг Ийсо ибн Умар оркали санади:

Ийсо Осим ибн Абун Нажудга ўкиб берган. Шунингдек, Ийсо Талха ибн Мусарриф Хамадоний ва Сулаймон ибн Мехрон Аъмашларга ўкиб берган.

Осим Зирр ва Суламийдан, улар Али ва Ибн Масъуд розияллоху анхумодан ўрганган.

Суламий яна Зайд ибн Собит ва Усмон розияллоху анхумлардан ҳам кироатдан таълим олган.

Талха ва Аъмашлар Яхё ибн Вассобдан, Яхё эса Алкама ибн Кайс, Асвад ибн Язид, Зирр ибн Хубайш, Зайд ибн Вахб ва Масрук ибн Аждаълардан, улар Ибн Масъуддан кироатни ўрганган.

Кисоий яна Абу Бакр Шуъба ибн Айёш, Исмоил ибн Жаъфар ва Зоида ибн Кудомалардан ҳам кироатларни ривоят килган. Шуъба кироатни Осимдан ўрганган.

Унинг санади юкорида ўтди.

Исмоил ибн Жаъфар Шайба ибн Нисох ва Нофеъга ўкиб берган. Шайба кироатни Абдуллох ибн Айёшдан, у Убай ибн Каъбдан ўрганган. У Нофеънинг шайхларидан бири эди. Нофеъ кироатни яна етмишта тобеиндан ўрганган. Тобеинлар эса саҳобалардан

таълим олган. Жумладан, Ибн Аббос ва Абу Хурайра розияллоху анхум Нофеънинг санадида алохида зикр қилинади. Улар ҳам Куръонни Убай розияллоху анхундан ўрганган.

Исмоил яна Сулаймон ибн Жаммоз ва Ийсо ибн Вирдонларга ҳам ўқиб берган. Бу иккови кироатни Абу Жаъфар ва Нофеъдан ўрганган. Абу Жаъфар эса Абдуллох ибн Айёш, Ибн Аббос, Абу Хурайра розияллоху анхумдан Куръонни ўқиб бериб ўтказган. Буларнинг санади юқоридаги сатрларда ўтди.

Зоида ибн Кудома Хамзанинг устози Аъмашда таълим олган.

Ибн Масъуд, Али, Зайд, Усмон ва Убай розияллоху анхум кироатни Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан таълим олганлар.

Асарлари: Имом Кисоий кироат ва нахв фанида бир канча китоблар ёзган. Жумладан,: «Маъоний ал-Куръон», «Ал-Кироат», «Ан-Наводир ал-кабир», «Ан-Наводир ал-авсат», «Ан-Наводир ал-асгар», «Ан-Нахв», «Ал-Адад», «Ал-Хижа», «Мактуъ ал-Куръон ва мавсулуху», «Ал-Масодир», «Ал-Хуруф», «Ал-Хаот», «Ашъор». Бу асарларнинг номлари манбаъларда учраса-да, улар бизгача етиб келмаган. Шу боис, хозирда улар хақида батафсил маълумот йўқ.

Шогирдлари: Кисоийдан кироатни арз ва самоъ (ўқиб бериш ва тинглаш) орқали ривоят қилганлар қуйидагилар: Иброхим ибн Зозон, Иброхим ибн Хурайший, Ахмад ибн Жубайр, Ахмад ибн Абу Сариъ, Ахмад ибн Абу Захл, Ахмад ибн Мансур Багдодий, Ахмад ибн Восил, Исмоил ибн Маддон, Хамдавайх ибн Маймун, Хумайд ибн Рабиъ Хаззор, Закариё ибн Вирдон, Сариъ ибн Юнус, Сура ибн Муборак, Таййиб ибн Исмоил, Абдурахмон ибн Вокид, Абдуррахим ибн Хабиб, Абдукуддус ибн Абдумажид, Абдуллох ибн Ахмад ибн Заквон, Убайдуллох ибн Мусо, Адий ибн Зиёда, Али ибн Осим, Умар ибн Хафс Масжидий, Ийсо ибн Сулаймон, Яҳё ибн Зиёд Хоразмий ва бошқалар.

Ўн кироат қориларидан Яъқуб ибн Исхок Хазрабий, Халаф ибн Хишом, шунингдек, кироат ровийларидан бири Ибн Заквон ва яна бир гуруҳ уламолар ундан айрим кироат қоидаларини ривоят қилган. Унинг кироатини ривоят қилган энг кўзга кўринган шогирдлари Лайс ибн Холид ва Хафс ибн Умарлардир. Улар кироатни имомдан бевосита олган ровийлардан ҳисобланадилар.

Машхур ровийлари:

А) Лайс ибн Холид;

Б) Хафс ад-Дурий.

Лайс ибн Холид

Исми ва нисбаси: Абул -Хорис Лайс ибн Холид ал-Багдодий.

Таваллуд ва вафоти: Лайс ибн Холиднинг таваллуд санаси маълум эмас. У 240/854 санада Шаввол ойида вафот этган.

Маноқиблари: Лайс ибн Холид ўта ишончли, мўътабар, ўткир хофизали, кироат илмида етук олим ва мохир устоз бўлган. У бир канча ҳадислар ривоят қилган. Жумладан, «Тарихи Багдод» китобида унинг Анас ибн Молик розияллоху анхундан: «Куръон бойликдир, ундан кейин фақирлик йўқ ва ундан бошқа бойлик ҳам йўқ», деган ҳадисни ривоят қилгани келтирилади.

Устозлари:

Лайс ибн Холид рахматуллохи алайхи асосан имом Кисоийдан таълим олган бўлса--да, бошқа устозлардан ҳам илм тахсил килган. Жумладан, Сулаймон ибн Айюбдан ҳам харфларни ривоят килган.

Абу Амр Доний айтади: «Лайс Кисоий издошларининг энг улугларидан бўлиб, Хамза ибн Косим ва Язидийлардан айрим кироат услубларини ривоят килган».

Шогирдлари:

Нахвшунос Фарронинг энг катта шогирдларидан бири Салама ибн Осим, Мухаммад ибн Яхё (Кичик Кисоий), Фазл ибн Шозон, Ахмад бин Туркмоний ва бошқалар унинг кироатини арз ва самоъ воситасида ривоят килган.

Хафс ад-Дурий

Исм ва нисбаси: Абу Умар Хафс ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Сахбон ибн Адий ибн Сахбон ад-Дурий ал-Аздий Нахвий ал-Багдодий.

Таваллуд ва вафоти: Имом Дурий халифа Мансурнинг даврида, 150/767 санада Багдоднинг Дур деган махалласида таваллуд топган ва 246/860 йили вафот этган.

Фазилати: Имом Дурий раҳимахуллох ўз замонасида кироат имоми, етук устоз, чуқур билим эгаси, ишончли, собит, хофизаси мустахкам, улуг зот бўлган. Ўз даврида кироат илмида энг катта пешво ва Куръон таълимида бош устоз бўлган. Барча кироатларни ўзлаштирган биринчи инсон. У Дажла бўйидаги Сомарро шахрида истикомат килган. Бу шахар Багдод билан Текрит ўртасида жойлашган.

Ахвотий айтади: «Имом Дурий кироатларни ўрганиш максидида сафарлар килди, етти харфни ҳам, шозларни ҳам ўқиди. Бу борада жуда кўп илмларни тинглади. У ўзи барча ривоят килган маълумотларда ўта ишончли одам эди. Узок умр кўрди, умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб колди. У гоятда диндор ва фазилятли киши эди. Унинг санади олийлиги ва илми кенглиги туфайли одамлар барча минтакалардан атайлаб унинг олдига келадиган бўлди».

У ўз даврининг етук уламолари билан яқиндан алоқада бўлган. Имом Ахмад ибн Ханбал билан ҳам яқин дўст эди. Улар бир--бирларидан хадис ривоят килардилар.

Имом Абу Довуд: «Ахмад ибн Ханбалнинг Абу Амр ад-Дурийдан хадис ёзиб олаётганини кўрганман», дейди.

Имом Дурий Кисоийнинг кироатидан ташқари, Абу Амр ибн Алонинг кироатини ҳам накл килган ва унинг кироатини таркатган энг машхур ровийларидан бири хисобланган. У бу кироатни Яхё ибн Муборак ал-Язидий орқали Абу Амрдан ривоят килган.

Муфассир Ахмад ибн Фарах айтади: «Имом Дурийдан «Куръон хакида нима дейсан?» деб сўрадим. У: «Аллохнинг Каломи, махлук эмас», деди».

Ибн Наффоҳ айтади: «Мен Дурийнинг: «Мен Мадина ахли кироатини Исмоил ибн Жаъфарга тўлик хатм килиб ўқиб берганман. Нофеъ хаётлик вақтида яшаганман. Агар ёнимда ўн дирхам бўлганида, албатта, унинг олдига сафар килган бўлардим», деяётганини эшитдим».

Имом Дурий кироат соҳасида илк китоб тасниф килган киши бўлди. Манбаларда унинг куйидаги асарлари зикр қилинади: «Ахкам ал-Куръан вас-сунан», «Ма иттафакот алфазуху ва маъанийхи мин ал-Куръан», «Фазоил ал-Куръан», «Ажзау ал-Куръан».

Устозлари:

Имом Дурий жуда кўп устозлардан таълим олди, жумладан:

Имом Нофеънинг шогирди Исмоил ибн Жаъфар, имом Хамзанинг шогирди Сулайм ва Мухаммад ибн Саъдон, Хамза ибн Косим, Яхё ибн Муборак ал-Язидий, Шужоъ ибн Наср ал-Балхий. У Якуб ибн Жаъфар оркали Абу Жаъфарнинг кироатини ўрганган. У асосан имом Кисоий кироатига таянган.

У яна Абу Бакр Шуъбадан айрим харфларни ривоят қилган. Шунингдек, Исмоил ибн Айёш, Суфён ибн Уяйна, Абу Муовия ва бошқалардан ҳам таълим олган.

Шогирдлари:

Имом Дурийнинг шогирдлари жуда ҳам кўп бўлиб, жумладан, куйидагиларни зикр қилиш мумкин:

Ахмад ибн Харб, Ахмаб ибн Фарах, машхур муфассир Абу Жаъфар, Ахмад ибн Мухаммад ибн Мохон, Ахмад ибн Язид ал-Хулвоний, Ахмад ибн Масъуд ас-Сирож, Исхок ибн Иброхим ал-Аскарый, Мухаммад ибн Убайд ар-Розий, Абу Абдуллох ал-Хаддод, Нух ибн Мансур, Абу Заъро, Хасан ибн Башшор.

Имом Дурийдан Ибн Можа, Абу Заръа, Хожиб ибн Аркин ал-Фргоний ва бошқалар хадис ривоят қилган.

Кисоийнинг кироатдаги йўли:

1. «Тавба» сурасидан бошка барча суралар бошида «басмала»ни айтади. «Анфол»нинг охирида «Тавба»га ўтишда: а) вақф қилади; б) сакта қилади; в) «басмала»сиз улаб кетади.
2. Муттасил ва мунфасил мадларни тавассут қилади 4 ҳаракат микдорида чўзади; ва «Дал» .килади идгом харфларга барча бошка дан«жим» ни«зал» даги 3 муаннаслик «та» си, ва даги «лам» харфини кейинги харфга идгом қилади. Сокин «ба» харфини «фа» харфига – идгом қилади. Сокин «фа»ни «ба» харфига – идгом қилади. Лайс ривоятида сукунли «лам» даги «зал» харфига барча жойда идгом қилинади. Шунингдек, «зал», , , ларда «та»га идгом қилинади. , , .килинади идгом харфига «та» харфи «са» лардаги , ,
4. Хамза имола қилган барча «алиф»ларни имола қилади.
5. Махсус шартлар билан , , кабилардаги муаннаслик «та»сидан олдинги харфни имола қилади. .килади вақф билан «х» харфида «та» калималаридаги , , .6
7. «Иброхим» сурасидаги , хамда «Анкабут» ва «Зумар» сураларидаги даги изофа «йа»сини сукун қилади.
8. «Худ» сурасидаги ва «Кахф» сурасидаги даги зоида «йа»ни васл холатида талаффуз қилади.

Бу қоидаларнинг тафсилоти ва яна айрим хилофларни ушбу мавзудаги китоблардан ўрганилади.